



## КОРРУПЦИЯ – ТАРАҚИЁТ КУШАНДАСИ

Зарипов Мирзали Миралиевич

Тадқиқотчи

Тошкент давлат юридик университети

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10450064>

### ARTICLE INFO

Received: 24<sup>th</sup> December 2023

Accepted: 30<sup>th</sup> December 2023

Online: 31<sup>th</sup> December 2023

### KEY WORDS

Коррупция, мансабдор шахс, қонун, ҳуқуқ, порахўрлик, жиноят, жавобгарлик

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада коррупциянинг тарихи бўйича қисқача фикр-мулоҳазалар билдирилган. Коррупцияга қарши курашиш бўйича жамият олиб бориладиган саъй – ҳаракатлар ҳақида қайд этилган. Шунингдек, коррупцияга қарши курашиш бўйича илғор хорижий давлатлар мисол тариқасида келтириб ўтилган.*

Бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти олдида коррупция мамлакатлар ривожланишига, иқтисодий, сиёсий, маънавий юксалишига тўсқинлик қилаётган салбий иллат сифатида пайдо бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Коррупциянинг олдини олмасак, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиб бўлмайди, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди”. Ҳақиқатдан ҳам, коррупциявий жиноятлар давлатнинг ривожланишига тўсқинлик қилади, шунингдек омманинг давлат органларига нисбатан ишончини пасайтиради. Жиноят қонунчилигимиздаги коррупцияга оид нормаларни таҳлилий жиҳатдан қайта текшириш, мазкур жиноятлар элементларининг комплекслиги, мақсадга йўналтирилган ҳолда, соҳага оид халқаро стандартлар ҳамда илғор халқаро тажрибанинг миллий қонунчиликка етарли даражада жорий этилганлиги каби масалаларни илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб етмоқда. Зеро, порахўрликка оид самарали жиноят қонунчилигини ижро этиш асослантилган ва илмий хулосалар асосида ифода этилган ҳолда кутилган самарани беради.

Коррупция... Нақадар, нақадар қабих иллат. Бугунги кунда бутун дунё ҳамжамиятини ташвишга солиб келаётган бу иллат азалдан жамият ва давлат равнақига зимдан тўсқинлик қилиб келаётган энг жирканч омиллардан биридир. Коррупция ҳақида сўз юритар эканмиз, бу сўзнинг луғавий маъноси барчани бирдек ўйлантирса ажаб эмас, албатта. Келинг, бу борада тўхталиб ўтсак. “Коррупция” атамаси лотинчадан олинган бўлиб, “соррумпо” – “порага сотилиш”, “айниш” деган маъноларни англатади. Кенгроқ ифодаладиган бўлсак, мансабдор шахснинг мансаби бўйича берилган ҳуқуқ ва ваколатларни, ўз манфаатини кўзлаб, шахсий бойиш мақсадларида бевосита суистеъмол қилиши билан боғлиқ бўлган амалиётдир.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, инсоният шаклланиш жараёнининг илк даври бўлмиш ибтидоий жамиятларда ҳам коррупциянинг айрим кўринишлари бўлиб, ўша



даврда қабила оқсоқолига ёки ҳарбий бошлиқларга муайян бир имтиёзни эгаллаш учун ҳақ тўлаш табиий ҳол ҳисобланган. Кейинчалик еса давлат бошқарувининг такомиллашуви ва мураккаблашувига кўра, коррупциянинг ҳам турли хил шакллари юзага келиб, охир-оқибатда у глобал муаммолардан бирига айланиб улгурди. Биламизки, шахс, жамият ҳамда давлат тушунчалари ўзаро чамбарчас боғлиқ. Шу сабабли жамиятнинг бирор аъзосига таъсир қилган иллат, албатта, бутун жамиятга ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Коррупция пайдо бўлиши ва равнақи мазкур давлатнинг тараққиётига зимдан тўсқинлик қилади ҳамда давлатнинг олиб бораётган ислохотларига қаршилик кўрсатади. Коррупция иллатига қул бўлган амалдорлар давлатнинг, жамиятнинг, халқнинг билдирган ишончини суистеъмол қилиб, ўз манфаатларини халқ ва давлат манфаатларидан устун кўядилар. Бу еса давлат сиёсатининг ўша амалдорлар бошқараётган бўғинида иш сифатининг бузилишига олиб келади. Натижада бутун бир жамият зарар кўради. Коррупция давлатни нафақат моддий, балки маънавий-ахлоқий жиҳатдан ҳам емириб, халқ ва давлат ўртасида ишончсизлик дея аталмиш улкан чегаранинг вужудга келишига олиб келади. Бу еса халқ ўртасида Ватанга дахлдорлик ва келажакка ишонч туйғуларининг сўнишига олиб келади.

Коррупцияни пайдо бўлиши ва инсониятнинг ижтимоий ҳаётига кириб боришининг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, психологик омиллари мавжуд бўлиб улар турли шаклларда ва айни пайтда бир-бири билан бирлашган ҳолда ҳам учраши мумкин. Масалан, иқтисодий жараёнларга қуйидагиларни киритсак бўлади:

- инфляциянинг кучайиши, демакки, жамият хизматчилари маошининг юқори даражадаги амортизация кўрсаткичларида намоён бўладиган иқтисодий беқарорлик, бу уларни ҳар қандай бошқа даромад манбаларини излашга ундайди;

- меҳнатга ҳақ тўлаш шартларидан қониқмаслик, демакки инсонлар меҳнат шартномаларида келтирилган тартиб, рағбатлантириш тизими ва жамоа аъзолари фаолиятини ташкил қилишнинг умумий иқтисодий омилларига нисбатан норози кайфиятда бўлишади. Бу еса ходимда аста-секин оғиш кайфиятини пайдо қилиб боради. Шунингдек, коррупцияга ва унга қарши кураш тизимини ҳуқуқий тартибга солишда сиёсий омилларнинг таҳлили ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу омилларнинг асосийлари қуйидагилардир:

- ходимларнинг даромадлари ва харажатлари, ўз вазифаларини бажариши устидан самарали назоратнинг йўқлиги, коррупцияга қарши кураш тизимининг талабларига жавоб бермаслик ёки қонунга асосланмаган заиф бир аҳволда бўлиши хусусияти. Бу ўз навбатида жамиятдаги барча муносабатларда салбий ўзгаришлар бўлишига бошқарув орқали ички кичик тизимларга таъсир етишига олиб келади.

- расмий ва шахсий масалаларни ҳал қилишда бюрократик сансалорлик еса инсонларнинг давлат ҳокимиятига нисбатан ишончсизлигини туғдириш билан биргаликда, ходимларнинг касб йўриқномасидаги вазифаларидан оғиш ҳолатини келтириб чиқаради. Шу ва шунга ўхшаган жамиятнинг турли соҳаларидаги омиллар жамиятда коррупциянинг кенг ёйилишига сабаб бўлиши мумкин. Бу еса бугун Ўзбекистон равнақи учун етарли хавф-хатар туғдирадиган жараён сифатида баҳоланишига олиб келади.



Ҳамма соҳаларнинг ичида авж олаётган порахўрликка балки чидаш мумкин дир. Аммо, лекин, бироқ таълим соҳасидаги бу "сиёсатга" мутлақо чидаб бўлмади! Олий таълим муаллимлари рейтинг дафтарга емас, қўлингизга қараб турса; мактабдаги ўқитувчилар антиқа "йиғди-йиғди"ларни ўйлаб топиб туришса; болалар боғчасига киритиш учун кимларгадур "ҳайитлик"лар бериш одатга айланаётган бўлса, бу қандай жамият бўлди?

Афғонистонда порахўрни қўли кесилаётган, Хитойда еса пешонасидан отилаётган бир пайтда биз ўзимиз бу ҳолатни авж олдиришга ҳиссамизни қўшмаяпмизми? Ислон дини ҳам бу иллатни қоралаб турган бир пайтда биз мусулмонлар бундан қўлимизни тортяпмизми? Қайси биримиз порасиз, эвазига бирон нарса бермай ўз ишларимизни битира оламиз? Мана шуларнинг ўзи порахўрлик ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасини қамраб олганини кўрсатади. Ўзбек халқи минг йиллардан буён асраб келаётган қадрлаётган адолат деб аталмиш муқаддас ва мўтабар қадриятнинг мустаҳкам томирларига болта урилмайдими? Барча ҳавас билан қарайдиган фирдавсмонанд юртимизнинг тинчлиги-ю тараққиётига путур етмайдими?

Германия ҳуқуқшуносларининг фикрига кўра, мансабдорлик жинойтлари нафақат субъект – мансабдор шахснинг белгиси бўйича, балки ҳимоя қилинадиган объект – давлат аппарати нормал амал қилиши бўйича ҳам бирлаштирилган. “Башарти шахс: а) амалдор ёки судья ҳисобланадиган; б) бошқа оммавий-ҳуқуқий хизмат муносабатларида бўлса; в) оммавий бошқарув вазифаларини қайсидир ҳокимият органида ёхуд бошқа муассасада ё унинг топшириғига кўра амалга оширишга даъват этилган бўлса, у мансабдор шахс ҳисобланади”. Бундан ташқари, “бевоқифа жамоавий хизмат қилишга даъват этилган”, яъни “мансабдор фуқаронинг ўзи бўлмаса-да, ҳокимиятнинг қайсидир жамоасида оммавий бошқарув вазифаларини амалга ошираётган ёки бундай вазифаларни амалга оширувчи муассаса ёхуд бирлашмада банд бўлган ходим мансабдорлик жинойтларининг субъекти ҳисобланади”. Германия Федератив Республикаси Жинойт кодексининг 332-моддасига кўра коррупция билан боғлиқ жинойтлар учун олти ойдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланган. Демак, Германия қонунчилигида коррупция учун тайинланадиган жазо унча оғир бўлмасада, лекин ушбу жинойтнинг субъекти фақатгина мансабдор шахс емас, балки давлат органларининг ҳар бир ходими ҳам бўлиши мумкин ва улар бир хил жавобгарликка тортилади.

Испания Жинойт кодекси еса, порахўрлик жинойтини пора эвазига амалга оширилган хатти-ҳаракатларнинг қонуний ёки ноқонунийлигига кўра икки турга бўлади. Кодекснинг 419-моддасига кўра, мансабдор шахс ёки давлат хизматчисининг ўз хизмат мажбуриятларини ноқонуний бузиш ёки бажармаслиги эвазига ўзи ёки учинчи фуқаролар фойдасини кўзлаб, бирор бир манфаат, мукофот ёки ҳар қандай кўринишдаги тақдирловни қабул қилиши, сўраши ёки қабул қилишга розилик билдириши учун жинойт жавобгарлик белгиланган бўлиб, уч йилдан олти йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси, шунингдек, давлат хизмати билан шуғулланишни алоҳида тақиқлаш ва содир этган қилмиши учун етти йилдан ўн икки йилгача муддатга мансабдор бўлиш тақиқланади. Кодекснинг 420-моддаси шундай хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизликларни ўз мажбуриятларини бузмаган ҳолда содир етиш учун жинойт жавобгарликни назарда



тутади. Испания қонунчилигида шуни кўришимиз мумкинки, агар давлат органи ходимлари коррупция билан боғлиқ жиноятни содир қилса, у фақатгина жиноий жавобгарликка тортилиб қолмасдан муайян муддатга давлат хизматида ишлаши тақиқланади. Бу коррупцияга қарши курашишнинг ўзига хос йўли ҳисобланиб, коррупцияни олдини олишга самарали таъсир кўрсатади.

Коррупция даражаси энг паст давлатлар рейтингининг биринчи ўринида турган давлатлардан бири Сингапур ҳисобланади. “Коррупциянинг олдини олиш тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасига асосан ўзи ёки бошқа шахс томонидан ёки улар билан биргаликда ҳар қандай шахс – ўзи ёки бошқа шахс учун коррупцион ҳолатни амалга ошириш ёки пора олишга розилик бериш ёки ҳар қандай шахсга ёки унинг манфаати учун пора бериш, ваъда қилиш ёки таклиф қилиш ҳуқуқбузарликда айбдор бўлади ва судланганда 100 000 доллардан ортиқ бўлмаган жаримага тортилади ёки 5 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинади. Бундан ташқари, ушбу Қонунда парламент аъзосининг ва давлат органи аъзосининг коррупция билан боғлиқ жиноятлари учун алоҳида жавобгарлик белгиланганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Сингапур қонунчилигида порахўрлик жиноятлари пора эвазига амалга ошириладиган ҳаракатларнинг аниқ рўйхатини белгилаш орқали чегаралаб қўйилган. Худди шундай нормани Малайзиянинг 2009-йилдаги коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Қонунида ҳам таъкидланган. Бундан ташқари, мазкур қонун пора олиш ва беришдан ташқари пора сўраш, қабул қилиш ёки қабул қилишга ваъда бериш, шунингдек, пора беришни ваъда қилиш ёки пора таклиф қилганлик учун ҳам жавобгарлик назарда тутилган. Демак, Сингапур ва Малайзия қонунчилигида коррупция билан боғлиқ ҳолатларнинг рўйхати аниқ белгилаб қўйилган бўлиб, бунда ушбу коррупцион ҳолатларни содир қилган шахсларни жавобгарликка тортишда қийинчиликларнинг олди олинади ва шу турдаги жиноятларнинг натижаси ҳисобланиб, унга қарши кураш чора-тадбирлар белгилаб олишда ўзининг ижобий натижасини кўрсатиб боради.

Хулоса қилиб айтганда, коррупцияга қарши курашиш фақатгина масъул ходимларнинг вазифаси эмас, ёки давлат раҳбарлари бунга жавобгар деган фикрда бўлиш умуман тўғри бўлмайди, балки бу жараёнда барчамиз бирдек ҳаракат қилсак ўзимиз хоҳлаган натижага эришишимиз мумкин. Бугунги пайтда коррупцияга қарши курашишда очиқ-ошкораликка жуда катта эътибор берилмоқда. Амалга ошириладиган бу жараёнларда еса оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти жуда катта. Телевидениеда эфирга узатиладиган кўпгина дастурлар жонли ва очиқ мулоқотларга асосланган ҳолда олиб борилмоқда. Журналистларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари янада кенгайтирилди. Агар давлатда қонун устувор бўлса, давлат юксалади. Мамлакатимизни ривожлантириш ва фуқаролик жамиятини қуришдаги энг катта ҳаракатларимиздан бири коррупцияга қарши курашишдан иборат. Албатта, биз коррупцияга қарши курашмасак, бу ҳодисаларнинг барчаси содир бўлади. Лекин бундай бўлмаслиги ҳам мумкин. Хўш, қандай дейсизми? Авваламбор, биз ўзбекмиз. Бизнинг қонимизда Амир Темур, Навоий, Бобур-у, Беруний, Қодирий-у Авлонийларнинг қони оқмоқда. Уларга муносиб фарзанд бўлиш, тўғрисиўз-у ҳалолликда умр кечириш, Ватанни кўз қорачиғидек асраш ва унга виждонан хизмат қилиш – бизнинг энг муҳим бурчимиз ҳамда вазифамизга айланиши лозим. Ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни билишимиз ҳар қандай вазиятда,



ҳолатларда Ватанимизнинг тараққиётига зарар етказувчи омилларга қўл урмаслигимиз керак. Зеро, Ватанимизнинг ҳар бир қаричи муқаддас, ундаги неъматларга қўз олайтириш кечирилмас хиёнат билан тенгдир.

## References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020-йил 25-январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. [хтпс://уза.уз/оз/политисс/збекистон-республикаси-президенти-шавкат-мирзиёевнинг-олий-25-01-2020](https://uza.uz/oz/politiss/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-olii-25-01-2020). (Президент Шавкат Мирзиёевъс Адресс то тхе Олий Мажлис);
2. Авдеев В.А., Авдеева О.А. Стратегические направления противодействия коррупции в РФ // Российская юстиция. 2016. № 7. С. 19–21. (Стратегис дирестионс фор сомбатинг сорруптион ин тхе Руссиан Федератион. Авдеев В.А., Авдеева О.А.);
3. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни. // [хтпс://lex.uz/doss/-3088008](https://lex.uz/doss/-3088008) / (Law оф тхе Републис оф Узбекистан он Сомбатинг Сорруптион);
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги Фармони. // [хтпс://lex.uz/ру/досс/-4875784](https://lex.uz/ru/doss/-4875784) Қонун ҳужжатлари маълумотлар миллий базаси, 30.06.2020й., 6013-сон. (Десрее оф тхе Президент оф тхе Републис оф Узбекистан “Он аддитионал меасурес то импрове тхе Анти-Сорруптион Сйстем ин тхе Републис оф Узбекистан”);
5. Criminal law of People's Republic of China. // [Елестронис ресоурсе]. УРЛ:[хтпс://www.фмпрс.гов.сн/се/сгвиенна/енг/дбтйw/ждwt/сримелaw/т209043](https://www.фмпрс.гов.сн/се/сгвиенна/енг/дбтйw/ждwt/сримелaw/т209043)
6. Ответственность за должностные преступления в зарубежных странах. / Отв. ред. Решетников Ф.М. – М., 1994. – С. 41-42; (Респонсibilitй фор оффисиал сримес ин фореигн соунтриес);
7. Уголовный кодекс Федеративной Республики Германии в редакции от 13 ноября 1998 г. по состоянию на 15 мая 2003 г. Ст.198. УРЛ: [хтп://раwунсч.де/имaгес/Уголовныйи\\_Кодекс.пдф](https://раwунсч.де/имaгес/Уголовныйи_Кодекс.пдф) (Сриминал Соде оф тхе Федерал Републис оф Германй);
8. Criminal code of the kongdom of Spain. // [Елестронис ресоурсе]. УРЛ: [хтпс://www.легислатионлине.орг/дowнлоад/ид/6443/филе/Спаин\\_СС\\_ам2013\\_ен.пдф](https://www.легислатионлине.орг/дowнлоад/ид/6443/филе/Спаин_СС_ам2013_ен.пдф)
9. Republic of Korea: Criminal code (Wҳоллий амендед ас оф Жан. 1, 1998). п.21. УРЛ: [хтпс://www.рефворлд.орг/досид/3ф49е3ед4.хтмл](https://www.рефворлд.орг/досид/3ф49е3ед4.хтмл)
10. Абдурасулова Қ, Коррупцияга қарши кураш. Бу борада чет эл қонунларида нималар белгиланган? // Ҳаёт ва қонун, № 3. 2003 йил. (Абдурасулова Қ. Fight against corruption. Wҳат ис дефинед ин фореигн лаwс ин тҳис регард?);